

Секторлар фаолияти янада такомиллаштирилади



Мазкур семинарда илгари сурилган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳаётий муаммо ва эҳтиёжларини ҳал этиш, секторлар доирасида ишларни ташкил этиш сифатини ошириш, аҳоли билан очик, тўғридан-тўғри мулоқотни кучайтириш мақсадида Шеробод туманида аҳоли муаммоларини уйма-уй юриб ўрганиш бўйича штаб ташкил этилган.

Бугун, 14 февраль куни туман ҳокими З.Халилов мазкур штаб аъзолари билан учрашди. Йиғилиш давомида секторларда иш жараёнларини янада жадаллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, хатлов жараёнларидан ортда қолаётган маҳаллалар танқид қилинди. Фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш тизимига жиддий эътибор қаратилиши таъкидланди.